



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган


E-mail: Info@xs.uz

2009 йил 9 октябрь, № 197 (4860)

Жума

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 8 октябрь куни Оқсаройда Швейцария Конфедерациясининг Федерал маслаҳатчиси, Федерал ташқи ишлар департаменти раҳбари Мишлин Кальми-Рэй хонимни қабул қилди.



Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон — Швейцария муносабатлари изчил ривожланиб бораётганини, ушбу учрашув икки томонлама ҳамкорликка оид турли масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини таъкидлади.

Швейцария Европа давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Тошкентда ўз дипломатик ваколатхонасини очган. Икки давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-технавий ҳамкорлик, сармояларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоялаш, икки томонлама солиқдан қочиш тўғрисидаги қатор ҳуқуқатлар бичимлари асосланади.


Мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий қилинган. Ўзбекистонда Швейцария сармояси иштирокида юзга яқин қўшма корхона тузилган. Ушбу мамлакатнинг 35 фирма ва компанияси юртимизда ўз ваколатхонасини очган. Тошкентда 1995 йилдан буён "Креди Свисс" банки ваколатхонаси иш юритади.

Технавий-молиявий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатга биноан қўшма ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўтган йиллар давомида миллий ва минтақавий аҳамиятга молик йигирмадан зиёд лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди, ундан ортқ лойиҳанинг ижроси давом этмоқда. Бу лойиҳалар сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини барпо этиш ва таъмирлаш, касб-хунар таълимини ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олган.

Мулоқот чоғида долзарб халқаро сиёсий ва минтақавий муаммолар ҳам муҳокама қилинди.

Оқсаройдаги учрашувда Мишлин Кальми-Рэй самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди, Швейцария Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлаши ва изчил ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

(ЎЗА). Сарвар ҲУМОНОВ олган сурат.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

8 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибининг таъкидлашлари.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси С. Маҳмудов тақдим этди. Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлда қабул қилинган «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, унда тижорат банклари томонидан 2009-2010 йилларда юридик шахслар ўртасида жойлаштирилган узоқ муддатли облигациялар чиқариш кенгайтирилиши назарда тутилди.

Ҳужжатни қўриб чиқиш жараёнида депутатлар таъкидлаб ўтдиларки, ҳозирги вақтда «Қимматли қозғалар бозори тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, корпоратив облигациялар чиқариш ҳуқуқига фақат очик акциядорлик жамиятлари эга. Бундай ҳуқуқни ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги банкларга ҳам берадиган норманинг киритилиши эса, мамлакатимизда молия-банк тизимини янада ривожлантиришга кўмаклашади. Депутатлар ҳужжатни тақомиллаштириш юзасидан тушган барча тақлифларни эшитиб ва муҳокама қилиб, қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллашди ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Аҳоли ўртасида микрофунди етишмаслиги профилактикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси Ж. Ниёзова тақдим этди. Микрофундиерлар — инсоннинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун жуда зарур, алмаштириб бўлмайдиган озикли моддалар (витаминовлар ва минерал моддалар)дир. Қонун лойиҳасида мазкур соҳадаги давлат сиёсати, Вазиirlар Маҳкамаси, вазиirlар ва идоралар, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳоли ўртасида микрофунди етишмовчилигининг олдини олиш соҳасидаги ваколатлари белгиланган.

Қонун лойиҳасини қўриб чиқиш чоғида депутатлар унинг қабул қилиниши ҳамда амалда рўйбга чиқарилиши оналар ва болалар соғлиғини яхшилаш, ёш авлоднинг уйғун ривожланишини таъминлаш имконини беришини таъкидлаб ўтдилар. Муҳокама пайтида билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Депутатлар қўриб чиқиши учун «Ўқимёсановат» давлат акциядорлик компанияси раиси Ф. Иброҳимовга «Ўқимёсановат» давлат акциядорлик компаниясининг инновацион фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала киритилди. Парламент сўровининг лойиҳаси Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзолари томонидан тайёрланган.

Мажлисида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Х. Маматов ахборот билан сўзга чиқди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари «Ўқимёсановат» давлат акциядорлик компаниясининг инновацион фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги тақлифни қўллаб-қувватладилар. Ушбу масала юзасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

Бошқа ишга ўтиши ва депутатлик ваколатлари тўхтатилиши муносабати билан Қонунчилик палатаси Ж. Маматмуминовни Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси аъзолигидан озод қилиш тўғрисидаги масалани қўриб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди.

(ЎЗА).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг ижросини таъминлаш масаласига бағишланган давра сўхбати ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазиirlлигининг Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармасида бўлиб ўтган ушбу тадбирда Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар ва Мудофаа вазиirlликлари вакиллари қатнашди.

ҚОНУН ИЖРОСИ — ЮКСАК МАСЪУЛИЯТ

Маълумки, мамлакатимизда ёнгин хавфсизлигини таъминлаш, унинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа зарур чора-тадбирлар тизими яратилган. Ушбу саъй-ҳаракатлар боис жойларда ёнгин хавфсизлигига эришилмоқда. Хусусан, ИИВнинг Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати томонидан аҳоли пунктлари, маданият иншоотлари, саноат, коммуникация ҳамда иқтисодиёт тармоқларининг ўта муҳим ва тоифаланган объектларида ёнгининг олдини олиш ишлари самарали йўлга қўйилган.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, 2008 йилда ёнгин хавфсизлиги қисмлари томонидан 11 минг 797 та ёнгин бошланиш давридаёқ бартарарф этилган. Айтиш лозимки, ушбу саъй-ҳаракатлар туфайли 173 нафар киши, 149 бош чорва моллари, 159 та турли техника воситалари, 87 миллиард сўмлик бинолар ҳамда 52 миллиард сўмлик моддий бойликлар сақлаб қолинган. Бундан ташқари, ИИВнинг Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати зиммасига давлат ёнгин назорати вазифаси ҳам юклатилган бўлиб, ўтган йилда улар томонидан 25 мингдан ортқ бахтсиз ҳодисанинг олди олинди, 7,5 миллиард сўмлик моддий бойликларни асраб қолишга эришилган.

Шунингдек, йиғилишда яқинда кучга кирган «Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида батафсил маълумот берилди. Айтиб ўтилганидек, мазкур Қонун соҳада шу пайтгача амалда бўлган кўпгина ҳужжатларни тартибга солиди, эскирган қоидаларни бекор қилди ҳамда идоравий ҳужжатлар ижодкорлигига чек қўйди. Айни пайтда ушбу ҳуқуқий мажмуа мамлакатимизда ёнгин хавфсизлигини кафолатлаш бўйича ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий асосларни белгилаш билан аҳамиятлидир. Шу билан бирга, давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, юридик шахслар, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эллар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўртасидаги соҳага оид муносабатларни тартибга солиди.

Давра сўхбатида муҳокама қилинган масалалар юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халил бин Абдуллоҳ ал Хонжий: «ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ УЗОҚНИ КўРА БИЛАДИГАН, ЎЗ МАМЛАКАТИНИ ТАРАҚҚИЁТГА ДАДИЛ ЕТАКЛОВЧИ СИЁСАТЧИДИР»

Уммон Султонлиги Савдо-саноат палатаси биносида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарарф этишининг йўллари ва чоралари» номли китоби тақдими, икки мамлакат бизнес-форуми ва Ўзбекистон — Уммон Ишчи кенгашининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ушбу китоби тақдими Уммон Миллий иқтисодиёт вазиirlлиги ва Савдо-саноат палатаси томонидан таркибга вазиirlлик ва идоралар раҳбарлари кирган Ўзбекистон вақиллик делегацияси кўмагида ташкил этилди.

Маросимда иштирок этганлар «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарарф этишининг йўллари ва чоралари» китоби ҳамда унга киритилган Инқирозга

қарши чоралар дастурининг асосий мазмуни ва мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари билан танишдилар.

Уммон савдо-саноат палатаси раиси Халил бин Абдуллоҳ ал Хонжий ўз чиқишида тақдирот Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Уммон Султонлиги ташрифи кунларида бўлиб ўтаётгани ушбу маросимга ўзига хос аҳамият бахш этишини, Уммоннинг муҳим давлат идоралари раҳбарлари

ва етакчи ишбилармонларининг мазкур тадбирда қатнашиши, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши катта эканидан далолат беришини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистонга биринчи марта бундан 17 йил муқаддам келган Уммон савдо-саноат палатаси раиси шу йилнинг март ойида юртимизда бўлди. Ўтган йиллар давомида Ўзбекистонда содир бўлган янгилашлар — мамлакатнинг

бугунги инфратузилмаси, илгор ва диверсификация қилинган саноати, улкан экспорт имкониятлари, юқори малакали мутахассислар, асосли тарзда ташкил этилган бозор иқтисодиёти, тадбиркорлик учун яратилган кенг имконият ва қулай шарт-шароитлар уни хайратга солди.

Халил бин Абдуллоҳ ал Хонжий Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг самимий қабули, мамлакатимиз раҳбарининг Ўзбекистон — Уммон ҳамкорлиги борасидаги қарашларидан олган таассуротлари билан ўртоқлашди.

(Давоми 2-бетда).

САЙЛОВ — ДЕМОКРАТИЯ ПОЙДЕВОРИ

2009 йил 22 сентябрда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улугбек АБДУСАЛОМОВдан парламент ва маҳаллий давлат ҳокимияти вақиллик органларига сайлов қандай ташкил этилиши, унга тайёргарлик қилиш ва ўтказиш қандай принципларга асослангани ҳақида сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми, сайловчиларнинг ўз хоши-иродасини эркин билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этишининг асосий шакли ҳисобланади, — деди М. Абдусаломов. — Муқтақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимни изчил, босқичма-босқич модернизация қилиш натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Умумэтироф этилган халқаро нормалар ва принципларга мос келадиган сайловларнинг самарали қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базаси шаклланди. Марказий сайлов комиссияси бошчилигида ҳокимиятнинг вақиллик органларига сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишни таъминлайдиган сайлов комиссияларининг яхлит, муқтақил тизими вуқудга келди. Фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техна шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишининг ишончли кафолатлари яратилди.

Демократик сайлов тизимини яратиш мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан мутлақо янги

давлат тузумини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий қурилиш соҳасида демократик янгилашни, ҳокимият тақсимланишини таъминлаш, чўқур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир улкан ишларнинг муҳим бўлинига айланди. Бу ишларнинг самараси иқтисодиётимизнинг изчил ва жадал ривожланиши, аҳоли турмуш тарзи ва фаровонлиги даражаси юксалиб боришида аниқ ифодасини топмоқда.

Давлат тузумини шакллантириш, ижтимоий-сиёсий қурилиш соҳасида демократик янгилашни, ҳокимият тақсимланишини таъминлаш, чўқур ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишга доир улкан ишларнинг муҳим бўлинига айланди. Бу ишларнинг самараси иқтисодиётимизнинг изчил ва жадал ривожланиши, аҳоли турмуш тарзи ва фаровонлиги даражаси юксалиб боришида аниқ ифодасини топмоқда.

Сайлов — 2009

Сайловлар кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас қисми, сайловчиларнинг ўз хоши-иродасини эркин билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувида бевосита иштирок этишининг асосий шакли ҳисобланади, — деди М. Абдусаломов. — Муқтақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизимни изчил, босқичма-босқич модернизация қилиш натижасида энг юксак демократик талабларга жавоб берадиган сайлов тизими яратилди. Умумэтироф этилган халқаро нормалар ва принципларга мос келадиган сайловларнинг самарали қонунчилик, меъёрий-ҳуқуқий базаси шаклланди. Марказий сайлов комиссияси бошчилигида ҳокимиятнинг вақиллик органларига сайловга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишни таъминлайдиган сайлов комиссияларининг яхлит, муқтақил тизими вуқудга келди. Фуқаролар ҳамда сиёсий партияларнинг сайлов жараёнида эркин, фаол иштирок этиши учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техна шароитлар, уларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишининг ишончли кафолатлари яратилди.

— 2009 йилда давлат ҳокимияти вақиллик органларига сайловга тайёргарлик қилиш ва ўтказишнинг асосий хусусиятлари нималардан иборат?

— Таъкидлаш жоизки, бўлажак сайлов сифат жиҳатидан янги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитда ўтказилади. Мамлакатимиз икки палатали парламенти, жойлардаги ҳокимият вақиллик органларининг жамиятнинг демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнидаги роли ҳамда ўрни аниқ кенгайтирилди ва мустаҳкамланди. Сиёсий партиялар фаоллиги ва партиялар ўртасидаги рақобат даражаси анчайин ошди. Миллий сайлов қонунчилигига давр талабларига жавоб берадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

2008 йилда қабул қилинган «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва

қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун қоидаларини ҳисобга олган ҳолда бўлажак сайлов мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислохотларни чўқурлаштириш борасида муҳим босқич бўлади.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни ва бошқа қатор қонунлар кўппартияли тизимни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, парламент Қонунчилик палатаси, маҳаллий давлат ҳокимияти вақиллик органлари фаолиятида ҳамда қарорлар қабул қилишда сиёсий партияларнинг ролини оширишга катта таъсир кўрсатди.

(Давоми 2-бетда).

Пойтахтимизда жорий йилнинг 12-17 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган маданият, санъат ва мода соҳасидаги йиллик лойиҳа — Art Week Style.uz — 2009 ҳафталигига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

МАДАНИЯТ, САНЪАТ ВА МОДА БАЙРАМИ

«Осиё рамзи» Ўзбекистон моделерлар уюшмаси раҳбари Холдира Қомиллова, Ўзбекистон халқ рессоми Акмал Нур ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, бадий диди, тафаккурини бойитиш, ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, янгидан-янги ижодий парвозлар сени даъват этишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилатганини таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

24 соат ичида

ЖАХОН
Хитой Антарктидада тадқиқотлар ўтказиш мақсадида экспедиция жўнатмоқчи, дея хабар тарқатди "Синьхуа" ахборот агентлиги.



Антарктикани тадқиқ қилишда

Гуруҳ таркибидан 251 нафар мутахассис жой олган. Олимлар у ерда 59 та лойиҳа устида иш олиб боришади ва минтақанинг геологик ҳамда биологик ҳолатини ўрганишади.

Далилий ашё қўлга киритилди

Афғонистонда гийвҳат моддаларни йўқ қилишга қаратилган амалиёт ўтказилди.

АҚШ ва афғон ҳарбийлари томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатнинг Гильменд музофотидан 50 тонна олий ва 1,8 тонна героин далилий ашё сифатида қўлга киритилган. Бундан ташқари, 30 тонна аммиак селитраси, 1000 дона "АК-47" автомати, ўқ-дорилар ва бошқа қуроллар ҳам топилган. Ҳарбий амалиёт чоғида 17 нафар жангари йўқ қилинган.

Филиппинда zilzila

Филиппинда ер силкинishi кузатилди. "AFP" ахборот агентлиги хабарига айтилишича, унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,7 баллга тенг бўлган. Зилзила маркази Сулавеси денгизида қайд этилган. Аммо бу ҳолат талафотларни келтириб чиқармади, цунами хавфи ҳам йўқ.

Тўфон талафоти



Японияда содир бўлган "Мелор" тўфонидан 18 киши жабрланди, дея хабар тарқатди "AFP" ахборот агентлиги.

Табий офат Хонсю оролида талафотларни келтириб чиқарган. Бу ерда шамолнинг тезлиги соатига 198 километрге етган. Фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 310 та авиарейс бекор қилинган. Изоҳланишича, бу жорий мавсумда Жануби-шарқий Осиё мамлакатларида кузатишган туртинчи тўфондир.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шундай бир мураккаб вазиятни юзага келтирдики, кишилар унинг таъсиридан қутулиб кетиш учун кўпроқ тежамкорликка эътибор қарата бошлашди. Инсоннинг табии табиати ўзи шунақа. Қачон бошига ташвиш келсагина хушёр тортади.

Масалан, охирини ўйламай қилинган хатти-ҳаракатлар натижасида она-табиатга жиддий талафот етди. Эндиликда унинг оқибатларини дунёнинг турли ерларида кузатилаётган сув тошқинлари, ўрмон ёнгинлари, обихаёт танқислиги каби ўнлаб муаммолар орқали кўриб, билиб турибмиз. Лекин бу ҳали ҳаммаси эмас. Экспертларнинг жамоатчилик эътиборига бот-бот ҳавола этаётган башоратлари яқин келажақда дунё аҳолиси навбатдаги жиддий муаммолар билан юзма-юз келишини кўрсатмоқда. Айтилик, ҳисоб-китобларга қараганда, асримиз охириларига бориб сайёрамиздаги нефть захиралари батамом тугар экан. Хўш, кейин-чи?

Муқобил энергия манбалари:

ЭҲТИЁЖ, ИМКОНИЯТ, ИЗЛАНИШ

Айни шу саволга жавоб топиш учун дунё олимлари муқобил манбаларни ҳаётга жорий этишга интилишмоқда. Хусусан, ёнлиги ёки электр энергияси ўрнини босиши мумкин бўлган, нотабиий усулларда ҳосил қилинадиган воситалар мавжуд. Лекин улардан атроф-муҳитга зарар етказмайдиган, самарали, айни пайтда маблағ жиҳатдан мақбулини танлаш кун тартибидagi масала бўлиб турибди.

Хозирда табий энергиядан шунчалик кенг фойдаланиладики, ҳаётимизнинг ҳар бир соҳасида унга дуч келамиз. Сунгги йиллардаги кўплаб ташаббусларга қарамай, жаҳон энергия истеъмолнинг 98 фоизи ҳамон табий энергия манбалари ҳиссасига тўғри келмоқда. Уларнинг муқобили сифатида эса шамол кучи, қуёш иссиқлиги, биомасса (майший чикинди ва маҳаллий ўғитдан энергия олиш), геотермо (ернинг табий ҳароратидан фойдаланган ҳолда, иссиқлик ва электр энергияси ҳосил қилиш) кабилар кўрилади. Келинг, уларнинг самарадорлик жиҳатлари қандайлигига эътибор қаратайлик.

Билиб фойдаланилса, шамол кучи дунёдаги барча дарёларнинг гидроэнергия тизимидан юз баробар кўпроқ қудратга эга. Маълумотларга қўра, хозирги кунда бундай энергетиканинг жаҳондаги умумий ҳажми 74 минг МВтдан ортади. 2010 йилда ушбу кўрсаткиччи 160 минг МВтга етказиш мўлжалланмоқда. Сабаби, шамол энергиясининг нар-

ҳи айни пайтдаги ёқилгининг ўртача баҳосига яқин бўлади. Ушбу турдаги энергияда таъминот бир маромда бўлмаслигини эътиборга олиб, олимлар уни имкон қадар паст қўланишда ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқлигини айтишмоқда. Чунки келтириб ўтганимиздек, шамол кучи жуда юқори, ундан олиннадиган энергия мавжуд энергетиканинг эъриктириши, ҳатто ишдан чиқариши ҳам мумкин. Тўғри, таъминоти бир меъёрга келтириш бўлади. Лекин бу шамол энергияси таннархини ошишига олиб келади.

Яна бир жиҳат. Жаҳон жамоатчилигида тажрибанинг экологик томонлари ҳам эътиборга олинди. Шамол варақларининг бир маромда айланishi, ўз-ўзидан, кучли шовқинни келтириб чиқаради. Бу эса, қурилмалар жойлаштирилган ҳудуд яқинида истиқомат қилувчи аҳоли кайфиятига салбий таъсир қилиши мумкин. Қолаверса, қушларнинг йўқолиб кетиши, ўсимликларнинг қуриб қолиши хавфи ҳам бор. Шунга қарамай, шамол энергияси тор деирадаги истеъмол учун маъқул, деб ҳисобланмоқда. Масалан, уйлари иситишда ундан бемалол фойдаланса бўлади. Хозирча дунё энергия истеъмолнинг 1,7 фоизи шамол энергияси ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бир кунда ер юзига тушадиган қуёш энергияси ҳажми сайёрамиздаги барча энергия манбалари миқдоридан кўпдир. Маълумки,

элементлар учун йўналтирилган маблағ ўзини оқлашига 15-20 йил керак. Шу каби омилига қуёш электростанцияларининг омиллашувига тўсқинлик қилаётди.


Авалло, бундай электростанциялар катта ҳудудларни эгаллайди. Бундан ташқари, фотозлементларни ишлаб чиқариш бир қатор зарарли моддалар билан боғлиқлиги боис, улар зарарли ҳисобланади. Шунингдек, мазкур турдаги станцияларни тез-тез тозалаб туриш ҳам керак. Бу эса қўшимча маблағ ва

тиш ва авария тизимларини энергия билан таъминлайди.

Она заминимиз қатри нафақат табий бойликлари билан, балки вулқон ва геотермо фаволиги билан ҳам инсоният учун манфаатлидир. Ўтказилган тадқиқотларда бундай "ички ҳарорат"дан энергия ҳосил қилиш мумкинлиги ўз исботини топган. Бироқ, термо сувлар таркибида кўп миқдорда туз ва токсинли кимёвий моддалар мавжудлиги айрим муаммоларни юзага келтириб чиқаради. Бундан ташқари,

сувни кўп миқдорда тортиб олиш ер остида бўшлиқни вулқонга келтиради ва натижада зилзилалар, кўчкилар пайдо бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Шу боис ҳар бир геотермо ҳудуд учун ўша жойининг барча шароити ўрганилган алоҳида лойиҳа талаб этилади.

Водород энергетикаси табий энергиянинг ўрнини тўла боса олмас ҳам, бошқа манбаларга нисбатан истиқболли, деб ҳисобланмоқда. У табиятда кўп учрайдиган элементлардан биридир. Шунингдек, унинг ҳарорати жуда юқори ва қайта ишлаш воситаси ҳам оддий сувдир. Лекин у табиятда яхлит ҳолда бўлмагани боис, уни махсус технология ёрдамида йиғиб олиш керак. Сақлаш эса асосий муаммо. Чунки бу энергиянинг нархи таъсир қилади. Таҳминларга қўра, водородни энергияга айлантиришдаги меҳнат ва ресурслар сарфига қараб, унинг баҳоси ҳар килограммига 2 АҚШ долларидан 11 долларгача бўлиши кутилган. Бошқа бир муаммо эса уни етказиб бериш билан боғлиқ. Чунки ҳозирги



ишчи кучи талаб этади. Фотозлементлардан фойдаланиш мuddати ҳам чекланган (30-40 йил) бўлиб, кейинчалик уларни зарарсизлантириш лозим.

Шунга қарамай, қуёш энергияси сувни қиздириш ва бир неча кимёвий жараёнларда самарали қўлланиб келинмоқда. Айниқса, транспорт тизимида бу кенг жорий этилаётди. Мисол учун, Япония ҳамда Италияда қуёш энергияси билан ҳаракатланувчи автомобиллар аллақачон ишлаб чиқарилмоқда. Электропоездларга эса махсус асбоблар ўрнатилган бўлиб, улар совитиш, ёри-

Шарҳ

қунда нефть ва газдаги каби бунинг қувурлари дунё бўйлаб ёйилмаган. Масалан, 1500 километр водород қувурлари мавжуд.

Газ ҳолатидаги водород ҳар қандай бўшлиққа сизиб киради. Шунинг учун у лабораторияларда зичланган ёки музлатилган ҳолатда сақланади. Кўриниб турибдики, санатлашган ҳажмда сотишда уни сақлаш осон кечмайди...

Бугунги кунга келиб, биоэнергиянинг кўплаб турлари кашф этилган. Бу йўл билан ишлаб чиқарилган ёнлиги, асосан, автомобиллар учун мўлжалланган. Аслида ушбу го янгилик эмас. Бир вақтлар Рудольф Дизель ёнғоқ мойдан қайта ишланган ёнлиги билан юрадиган автомобиль яратган эди. Яна бир иختирочи Генри Форд эса ўзининг биринчи двигателини жўхори ачиткиридан тайёрландиган этанол билан ҳаракатланишини мўлжаллаган эди. Аммо мутахассислар ҳисоб-китобича, жўхоридан энергия олишга кетадиган харажат унинг фойдасидан ошиб тушади. Устига-устак, чиқинди чиқариши ҳам бор.

Биоэнергиялар орасида ҳозирда "яшил ёнлиги" дея аталаётган биомассани газга айлантириш усули энг истиқболли деб ҳисобланмоқда. Чунки у атмосферадаги иссиқлик газлари ошишига деярли таъсир қилмайди. Ушбу усул "Royal Dutch/Shell" нефть компанияси томонидан аллақачон ҳаётга таъбиқ этилаётган ҳам.

Лекин "яшил энергия"ни кенг миқёсда ишлаб чиқариш учун қишлоқ ҳўжалиги чикиндилари етишмовчилиги бўлиши мумкин. Катта майдонларни жўхориюсларга ажратиш эса жуда мушкул. Шу боис булса керак, ҳозирда бундай энергия сайёрамизда ишлатилаётган энергиянинг бор-йўли 2 фоизинигина ташкил этмоқда.

Хуллас, муқобил энергия манбаларини яратишда фойдали томонлари билан бирга, ана шундай мураккаб ва қўтилмаган жиҳатлар ҳам мавжуд. Хўш, қай бири энг истиқболли? Мутахассислар келгусида, асосан, атом ҳамда термоядро энергетикаси ривожланиши, деган фикрдалар. Уни сунъий яратиш мумкинлиги шундай ҳулосага келинишига асос бўлаётди. Қуёш энергиясининг келажаги ҳам анчайин истиқболли, дея баҳоланмоқда. Бу ёнги келажақ кўрсатади.

Ш. ЗОКИРОВ.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМЛИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
қуйидаги ихтисосликлар бўйича докторантура ва аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРА

05.13.01 — Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш
05.17.08 — Кимёвий технология аппаратлари ва жараёнлари
08.00.13 — Менежмент ва маркетинг

АСПИРАНТУРА
Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

01.04.04 — Физик электроника	05.13.07 — ларининг элементлари ва қурилмалари
01.04.10 — Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси	05.13.13 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришнинг автоматлаштириш (тармоқлар бўйича) Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари
04.00.06 — Гидрогеология	05.14.02 — Электр станциялар (электр қисми), тармоқлар, электр-энергетика тизимлари ва уларни бошқариш
04.00.11 — Рудали ва норузда конларнинг геологияси, уларни кидириш ва разведка қилиш; металлогения	05.14.10 — Гидроэлектр станциялар ва гидроэнергетик қурилмалар
04.00.22 — Геофизика	05.15.01 — Маркшейдерия
05.02.01 — Машинасозлик материалшунослиги (тармоқлар бўйича)	05.15.06 — Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш
05.02.01 — Машиналарда ишқаланиш ва ейлиши	05.17.04 — Оғир (ёки асосий) органик синтез махсулотлари технологияси
05.02.08 — Машинасозлик технологияси	05.17.08 — Кимёвий технология аппаратлари ва жараёнлари
05.03.06 — Пайвандчилик технологияси ва машиналари	05.20.04 — Қишлоқ ҳўжалик ва гидромелиорация машиналари
05.07.02 — Учиш аппаратларини лойиҳалаш, уларнинг конструкцияси ва ишлаб чиқарилиши	07.00.02 — Ўзбекистон тарихи
05.09.05 — Назарий электр техника	08.00.01 — Иқтисодий назария
05.11.13 — Табий муҳит, моддалар, материал ва буюмларни назорат қилиш асбоблари ва усуллари	08.00.03 — Индустриал тармоқлар иқтисодиёти
05.13.01 — Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш	08.00.13 — Менежмент ва маркетинг
05.13.05 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизим-	09.00.03 — Фалсафа тарихи

Докторантура ва аспирантурага кирувчилардан ариза ва ҳужжатлар 2009 йилнинг 20 октябригача қабул қилинади. Маълумот олиш учун аспирантура бўлимига: Тошкент шаҳри, Талабелар шаҳарчаси, ТашДТУнинг бош биноси, 413-хонага мурожаат қилинг. Телефон: (8 371) 227-19-47, ички телефон: 236.

ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАР — ИСТИҚБОЛИМИЗ ТАЯНЧИ

Жорий йилнинг март ойида Ажинибз номидаги Нукус давлат педагогика институтининг ўртасида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилга бағишлаб "Менинг орсум" кўрик-танлови бўлиб ўтган эди. Ушанда ёшларнинг ҳаёлот дунёси нақадар бой эканлигини кўриш мумкин.

Гап шундаки, ўқувчилар юртимиз қишлоқларининг истиқболдаги оқибат ва замонавий кўбфаси ҳақидаги тасаввурларини макетларда акс эттириш ва танлов якунига қўра, Г. Жиемуратова раҳбарлигидаги 305-гуруҳ ўқувчилари ғолиблигини қўлга киритганди.

Айтиш ўринлики, мазкур билим масканида ёшларнинг иқтидор ва қобилиятини камол топтиришга, билими ва ақл-заковатини оширишга хизмат қиладиган бу каби тадбирлар тез-тез ўтказиб турилади.

Қолаверса, ўқувчиларнинг ўзлари танлаган йўналишлари бўйича пухта билим олишлари учун барча шароитлар яратилган: икитадан химия, биология, физика хоналари, астрономия фани бўйича битта лаборатория, Жанубий Корея Республикасидан келтирилган ўқув жиҳозлари билан таъминланган лингафон ва компьютер синфлари ўқувчилар иштироқида. Бундан ташқари, икитта спорт зали, баскетбол, во-

лейбол, футбол стадионлари ўқувчиларнинг соғлом ривожланиши учун хизмат қиляпти. Фаолият қўрсатаётган 7 та спорт тўғраги эса спортсевар ёшлар билан доимо гав-

жум. Яқинда 300 ўринга мўлжалланган, барча қулайликларга эга ётоқхона фойдаланишга топширилди. 200 ўринли ошонада қайта таъмирлаш ишлари олиб борилиб, янги жиҳозлар билан таъминланди.

Лицейда ташкил этилган ахборот-ресурс маркази нафақат ёшларнинг, балки шу яқин атрофдаги аҳолининг ҳам энг севили масканига айланган. Айни пайтда марказда 16254 та китоб фонди мавжуд. Интернет тармоғига уланган компьютерлардан ўқувчилар тўлиқ фойдаланишда.

— Яратилган ана шундай қулайликлар ўз самарасини

SONATA Ўз йўлингни танла!
Drive your way

Тўловни бўлиб-бўлиб амалга ошириш мумкин.
КАФОЛАТ — 2 йил.

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner Tel. 250-11-11

«Yili Star – River Trade & Business Co Ltd»
компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси

«North-Benz» русумли махсус техникалар (самосвал, тиркама, автокран, цементовоз ва бошқалар)НИ сотадиган мутахассислар танловини ўтказди.

Шунингдек, хитой, рус ва ўзбек тилларини мукамал биладиган таржимон ҳамда қолиба танлов асосида ишга қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Х. Сулаймонова кўчаси, 43-А уй.
Тел./факс: (+99871) 233-29-69, 233-04-93, (+99897) 119-17-85, (+99893) 596-79-44.

"UZROSS-TECHNO" қўшма корхонасига Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Собир Раҳимов тумани ҳокимлиги томонидан 2005 йил 26 декабрда реестр бўйича тартиб рақами 52/05 бўлган УСМ 000274 сериядан Улугури савдо фаолиятини амалга оширишга рўхсат берилган ЛИЦЕНЗИЯ йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"UZROSS-TECHNO" қўшма корхонасига Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 24 мартда реестрдаги тартиб рақами №282-сон билан берилган юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги ГУВОҲНОМА йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси Қўмита раисининг ўринбосари Л. Е. Ҳудомова онаси **НУРПОШИНА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент давлат техника университети жамоаси Тиллар кафедрасининг профессори **Нурпошпа Ғаниевна ҲУЛОМОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур тазия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси И. Муминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти жамоаси юридик фанлари доктори, академик Ҳожиқабар Раҳмонқулов ва рафиқаси **Мавжуда РАҲМОНҚУЛОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур тазия изҳор қилади.

Эҳтимол, сиз ҳам кўргандирсиз пойтахтдаги Амир Темури хивонидида гуркураб ўсаётган даракларда шохдан-шоҳга сакраб юрган митти жониворларни. Очиги, дастлаб унинг қайси жайвон эканлигини англай олмадик. Хар тонг одамлар кўз ўнгидида сакраб-сакраб ракс туша бошлагач, унинг олмахон эканлиги маълум бўлди.

Бу янгилик кўпчиликни хайратга солган бўлса, баъзиларда турли шубҳа-гумонларни тугдиргани ҳам бор гап. Негаки, олмахонлар бизнинг табиатимизга хос эмас, тагин шаҳарнинг қоқ марказида учраса-я?!
Маълумки, олмахонлар асосан ўрмонларда яшайди. Айниқса, Жанубий Осиё, Африка ва Европа давлатларида кенг тарқалган. Чунки улар табиий даракзорларда ёввойи мевалар, уруғ ва хашаротлар билан озиқланади. Биологларнинг таъкидлашича, бу кемирувчиларнинг бир неча тури мавжуд. Синхосимон олмахон, бог, ўрмон, ёнғоқзор олмахони...
Пойтахт аҳолиси ва шаҳримиз меҳмонларини ўзига

МЕҲМОНМИ, МЕЗБОН?

мафтун қилган митти жонивор ростдан ҳам олмахонми? Шундай бўлса, у қаердан келиб қолди? Еки махсус кўпайтирилдими?

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси мутахассисларига мурожаат қилдик.

— Бош хивбонимизда олмахонлар мавжудлиги ҳақиқат, — дейди қўмитанинг ўсимлик ва жайвонот дунёсини муҳофазаси қилиш гуруҳи раҳбари, катта давлат назоратчиси Шокиржон Бокиев. — Бизга бу ҳақда маълумот келиб тушган, гуруҳимиз билан ўша жойга чиқиб ўргандик. Натижадан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Қувонмай бўладими? Ахир шаҳримиз табиати

ноёб жайвонлар ҳисобига янада бойиб бораётган. Аслида, олмахонларнинг Тошкент табиатида яшаш


сан, бош кентимизни қўқаламзорлаштириш ишларининг жадвал оlib борилаётгани билан изохлашмоқда.

метрга кенгайгани, айниқса, қувонарлидир. Бошқача айтганда, бугунги кунда пойтахтнинг умумий майдонининг 30 фоизини бог-роғлар ташкил этади. Бу ҳудудларга каштан, япон софораси, шарқ чинори, шумтол, заранг, қайрағоч, шунингдек, қарағай ва бошқа игнабаргли дараклар кўчатлари ўтказилган.

Мутахассисларнинг айтишича, баъзи жониворлар экологияси мусоффо ҳудудлардагина учрайдилар. Масалан, кўктарғоқ тоза сув ҳавзаларида яшаса, жиголтой ва тошқирғий осойишта боғларда ин қуради, қорашақча ва зағидок эса дарак ва буталар қалин ҳудудларда макон тугади. Қувонарлиси, табиат индикатори ҳисобланган бу қушлар Тошкентда домий қўним топади.

Боғларимиз меҳмонига айланган олмахонлар ҳам кўпайиб бораётган. Уларнинг мўйнаси сарғиш қулранг тусдалиги ўрмон олмахони эканлигини далил беради. Демак, улар озуқа танламайди, қушқи билан кетади. Шу жихатлари билан уларнинг табиатимизга бемалол мослашиб, кўпайиши осон кечади.

Сайд РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Боботоғ пистазорлари

Табиий пистазорлар тоғли аҳолига, айниқса, пудрат шартномаси асосида 50 гектардан бўлиб берилгани ижобий самара бера бошлади. Гап шундаки, улар мавжуд пистазорлар парваришини яхши йўлга қўйиб, қуриганлари ўрнига янги ниҳоллар ўтказишга тўғриворди. Табиий пистазорлар билан ҳамкорликда янги технология асосида пистазорлар бунёд этмоқдалар. Бунда 155 гектар майдонда пистазорлар ниҳоллар ундириб олингани қўл келмоқда.

— Бу усулга ўтган йили киришгандик, — дейди хўжалик директори вазифининг бажарувчи Нусрат Холиқов. — Айни кунларда биз туркиялик мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган технология асосида хар бир уруғни полистилен халтачага жойлаб, парвариш қилаёلمиз. Бултур ундириб олинган кўчатларни бу йил март ойининг ўрталарида очик майдонга эждик. Ҳозир уларнинг ривожига яхши.

Жорий йилда ниҳолхонамига олти минг донга уруғини ҳам шу усулда эждик. Амалга оширилган ишларнинг дастлабки натижалари қўлданганидан ҳам зиёда бўлмоқда. Негаки, бошқа минтақаларда янги технология асосида эчкиланган кўчатлар 15-20 сантиметргача ўсган бир пайтда бизнинг кўчатларимиз 70-80 сантиметргача бўй чўзди. Бундан ташқари, эчкиланган уруғларнинг 90 фоизи тўлиқ униб чиқди. Аслида, чет эллик мутахассислар уруғларнинг атиги 30-40 фоизига униб чиқишини таъкидлашганди-да!

Кўришиб турибдики, Сурхон воҳаси пистачилик учун қўлай иқлим, табиий шарт-шароитга эга. Қолаверса, ўрмончиларимизнинг ўз ишига сикирилган ёндашганликларини тўғриворди бу борада яхши натижаларга эришиляпти. Бу, ўз навбатида, аҳолининг пистага бўлган эҳтиёжини қондиришга ва қишлоқ хўжалиги ривожига муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда.

Гулбаҳор ТАНГИРОВА.

Хайрат

Сармишсой дараси — бамисоли ўтмиш билан бугун туташган кўприк. Бу ерда олис тарихдан сўзловчи археологик-маданий мерос ёдгорликлари, хусусан, 7 минг йиллик тарихга эга 10 мингдан ортиқ ноёб қўятош суратлари ва ранг-баранг табиат бойликлари сақланиб қолган. Шу босм дунё олимлари юртимизнинг ушбу гўшаси томон талпиндилар.

САРМИШСОЙ ДАРАСИ

Кувонарлиси, Сармишсой маданий мероси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти олимлари томонидан ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб бугунга қадар хар томонлама пухта ўрганилди. Бунинг натижасида яратилган кўплаб илмий асарлар юртимиз тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

2004 йилда мазкур дарага очик осмон остидаги музей мақоми берилган эди. Гап шундаки, у "Сармишсой" та-

рих шаклл тасвирлари шулар жумласидандир. Манзараларнинг аксарияти маззу жихатидан узвий боғланиб, яхлит маъно мазмун кашф этади. Аҳамиятисини, бу суратларга боқиб, аждодларимизнинг дунёқарашлари, уларнинг яшаш

тарзи ҳақида мауайян тасаввурга эга бўласиз. Қоялардаги петроглифлар неолит даврининг охири жез, темир ва ўрта асрларда ишланган бўлса-да, ҳануз охири тўқилмагани диққатга сазовордир.

Дарада тош даври макон ва манзилгоҳлари, қадимги мазорлар ва суғориш тармоқларининг қолдиқлари, кўҳна қишлоқ харобалари сақланиб қолган бўлиб, улар гоётда қимматбаҳо тарихий манба ҳисобланади.

Сармишсойнинг ўсимлик дунёси ҳам ранг-баранг. Дарада 650 турдаги ўсимлик мавжуд бўлиб, 27 таси фақат воҳа табиатига хосдир. Улар ҳақида табиат бағридаги музейда бўлган киши етарли маълумотга эга бўлади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Онажоним — Табиат

Хайрат қилган митти жонивор ростдан ҳам олмахонми? Шундай бўлса, у қаердан келиб қолди? Еки махсус кўпайтирилдими?

Хайрат

Сармишсой дараси — бамисоли ўтмиш билан бугун туташган кўприк. Бу ерда олис тарихдан сўзловчи археологик-маданий мерос ёдгорликлари, хусусан, 7 минг йиллик тарихга эга 10 мингдан ортиқ ноёб қўятош суратлари ва ранг-баранг табиат бойликлари сақланиб қолган. Шу босм дунё олимлари юртимизнинг ушбу гўшаси томон талпиндилар.

САРМИШСОЙ ДАРАСИ

Кувонарлиси, Сармишсой маданий мероси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти олимлари томонидан ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб бугунга қадар хар томонлама пухта ўрганилди. Бунинг натижасида яратилган кўплаб илмий асарлар юртимиз тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

2004 йилда мазкур дарага очик осмон остидаги музей мақоми берилган эди. Гап шундаки, у "Сармишсой" та-


рих шаклл тасвирлари шулар жумласидандир. Манзараларнинг аксарияти маззу жихатидан узвий боғланиб, яхлит маъно мазмун кашф этади. Аҳамиятисини, бу суратларга боқиб, аждодларимизнинг дунёқарашлари, уларнинг яшаш

тарзи ҳақида мауайян тасаввурга эга бўласиз. Қоялардаги петроглифлар неолит даврининг охири жез, темир ва ўрта асрларда ишланган бўлса-да, ҳануз охири тўқилмагани диққатга сазовордир.

Дарада тош даври макон ва манзилгоҳлари, қадимги мазорлар ва суғориш тармоқларининг қолдиқлари, кўҳна қишлоқ харобалари сақланиб қолган бўлиб, улар гоётда қимматбаҳо тарихий манба ҳисобланади.

Сармишсойнинг ўсимлик дунёси ҳам ранг-баранг. Дарада 650 турдаги ўсимлик мавжуд бўлиб, 27 таси фақат воҳа табиатига хосдир. Улар ҳақида табиат бағридаги музейда бўлган киши етарли маълумотга эга бўлади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



«Қизил китоб» саҳифаларидан

Сафсан хурмо ҳақида эшитганмисиз? Бу ноёб тур мамлакатимизда кам тарқалганини учун кўпчилик у ҳақда деярли маълумотга эга эмас. Сафсан хурмо табиий равишда тоғларнинг ўрта ва пастки қисмидаги шағали дараларда, бўлоқ бўйларида ўсади. Республикаимизнинг Ҳисор тоғи тизмасида, жумладан, Тўполон ва Сангардак дарёлари ҳавзаларида, Сурхондарёдаги Қуштут, Тамшуш, Хондиза қишлоқлари атрофида учрайди.

Сафсан хурмо

Бу дараклар тўп-тўп бўлиб, бир жойда 15 тупгача ўсади. Улар уруғидан ҳамда вегетатив йул билан кўпаяди. Даракнинг бўйи 15-20 метргача етади. Май-июнда гуллаб, меваси октябрь ва ноябрь ойларида пишади. Ана шунда мевалари сафсан тусга қиради. Унинг номи шунга нисбат берилган.

Сафсан хурмони маданийлаштиришга қадимдан уриниб келинган. Тоғли ҳудудлар боғларида экиб кўпайтирилган. Илмий равишда илк бор 1948 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясининг "Ботаника" боғида ўстирилган. Шунга қарамай, бу тур тобора камёбланиб, табиий ҳудудлари кескин қисқариб бораётган. Бунга ерларнинг ўзлаштирилиши, айниқса, бу даракт қурилишбоп бўлганлиги боис ундан нооқилона фойдаланиш ва ўтин ўрнида ишлатилиши асосий сабаб қилиб кўрсатилмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, Тўполон ва Сангардак дарёлари ҳавзаларида махсус қўриқона ташкил этилиши бу турни сақлаб қолишга хизмат қилади. Қувонарлиси, сафсан хурмо мамлакатимизда алоҳида муҳофазасига олинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган.

Орол баҳриси

Орол денгизининг чекиниши сув жониворлари, хусусан, балиқ турларининг камайиб кетишига сабаб бўлаётгани ташвишланарлидир. Орол баҳриси бунга яққол мисол бўла олади. Негаки, Амударёнинг куйи ва ўрта оқимларида сақланиб қолган балиқнинг ушбу тури бутунлай йўқолиб кетиш хафаси остида турибди.

Илгари бу тур Орол денгизида кенг тарқалган бўлиб, Сирдарёда ҳам учраган. Денгиз сатҳининг пасайиб бориши, сувининг ифлосланиши ва шўрланиши оқибатида балиқлар ниҳоятда камайиб кетди.

Орол баҳриси чучук сув ҳавзаларида 10-15 метр чуқурликда яшайди. Урчиш мавсумида у ерга қуйилган дарёларга кўчади. Бу хар 2-3 йилда бир марта содир бўлади. Асосан сув хашаротларининг личинкалари, бўғимовқиллар ва майда балиқлар билан озиқланади. Соҳа мутахассисларининг айтишича, бу турнинг камайиб кетишига нафақат табиий сув режимидаги ўзгариш, балки ноқонуний овлаш, шунингдек, 1936-1937 йилларда балиқларнинг ёлпасига касалланиши ҳам сабаб бўлган. Бугунги кунда уларнинг сони янада камайиб кетди. 1970-1999 йиллари 267 донаси тугтилгани шундан далолат беради.

Орол баҳриси айни пайтда "Бадай тўқай" ва "Қизилкум" давлат қўриқоналарида муҳофазасига олиниб, махсус кўпайтирилаётганлиги кўнглига таскин беради. Шунингдек, у Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоби"га киритилган бўлиб, ов қилиш тақиқланган.



Акулалар орасида энг каттаси китсимон акулалар. Унинг узунлиги 12-20 метр, оғирлиги 15-20 тоннагача етади. Энг кичик акула эса тиканли акула бўлиб, узунлиги атиги 40-45 сантиметрни ташкил қилади.

Дунёдаги энг катта гул Раффлезия-Арнолди бўлиб, унинг айланаси 1 метрни ташкил этади. Суматра оролида ўсадиغان ушбу гулни илк бор ботаниклар — Раффлезия ва Арнолди учратганлари сабабли уларнинг номи берилган.

Энг катта калтакесак Индонезия оролида яшайдиган комод эчкиэмари бўлиб, узунлиги қарийб 4 метрга, оғирлиги 160 килограммга тенг. У баъзан одамларга ҳам ташланиб қолади.

Япон қовоқариси энг катта ари деб эътироф этилган. Хашаротнинг узунлиги 7 сантиметр бўлиб, қориндан отилиб чиқадиган захар одамни ҳам ўлдирди. Маълумотларга қараганда, Японияда хар йили 40 нафар кишининг умрига қовоқари зомин бўлар экан.

ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, уларда мазмун жихатидан бир-бирини асло тақрорламайдиган манзаралар акс эттирилган. Одам ва жайвонлар, қурол-аслаҳа ва геомет-

УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛСИН

Мамлакатимиз ҳудудининг 9,3 фоизини эгаллаган Бухоро вилоятининг 95 фоизи яйловлардан, беш фоиз экинзорлардан иборат. Мутахассисларнинг фикрича, ана шу экин майдонларини кўз қорачигидек асраш, чўл экотузилмасидаги мувозанатни сақлаш муҳим ҳаётий вазифалардан бўлиб турибди.

— Орол денгизининг қуриб бориши оқибатида кейинги йилларда шамолнинг домийлиги кирк фоизга ошди, — дейди вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси раиси А. Ниёзов. — Шамол билан эса хар гектар майдонга 400 килограмм ва ундан ҳам кўп зарарли тузалар тушмоқда. Яйловлар ҳосилдорлиги камайгани кузатиляпти.

Экологларнинг фикрича, "Яшил қалқон"нинг барпо этилиши бу ҳолатга барҳам бериши мумкин. Эни ўн километрни, узунлиги эса 84 километрни ташкил этадиган саксовулзорлар шамол йўлига яхшигина гов бўлар эди.

Мамлакатимизда, жумладан, вилоятда кейинги йилларда табиати асраш, фуқароларда экологик маданиятни шакллантириш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Бухоро давлат университетига эколог мутахассислар тайёрланапти. "Жайрон" экомарказида жайрон ва қулон-

лар кўпайтириляпти. Утган йили марказ майдони 16500 гектарга кенгайтирилгани тизимдаги изоҳлотларнинг навбатдаги босқичи бўлди.

— Давлатимиз табиат муҳофазасига жуда катта эътибор қаратиб турган пайтда бу муҳим масалага боқибегамлик билан муносабатда бўлаётган айрим фуқароларнинг учраши кишини таажубга солади, — дейди вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси ходими И. Ҳасанов. — Жойларда тегишли қонунлар ижроси юзасидан мониторинглар ўтказилиб, 686 нафар мансабдор шахсга ва фуқароларга нисбатан жами 18 миллион сўм миқдоридида жарималар солинди. Усимлик ва

Япроқ чодирга марҳамат

Энг йирик барг рафия пальмасиники бўлиб, унинг битта япроғидан бемалол чодир тикса бўлади. Баргнинг узунлиги 22, эни 12 метрни ташкил этади.

Энг катта калтакесак Индонезия оролида яшайдиган комод эчкиэмари бўлиб, узунлиги қарийб 4 метрга, оғирлиги 160 килограммга тенг. У баъзан одамларга ҳам ташланиб қолади.

Япон қовоқариси энг катта ари деб эътироф этилган. Хашаротнинг узунлиги 7 сантиметр бўлиб, қориндан отилиб чиқадиган захар одамни ҳам ўлдирди. Маълумотларга қараганда, Японияда хар йили 40 нафар кишининг умрига қовоқари зомин бўлар экан.

Хайрат қилган митти жонивор ростдан ҳам олмахонми? Шундай бўлса, у қаердан келиб қолди? Еки махсус кўпайтирилдими?

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида Тошкент шаҳар табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси мутахассисларига мурожаат қилдик.

— Бош хивбонимизда олмахонлар мавжудлиги ҳақиқат, — дейди қўмитанинг ўсимлик ва жайвонот дунёсини муҳофазаси қилиш гуруҳи раҳбари, катта давлат назоратчиси Шокиржон Бокиев. — Бизга бу ҳақда маълумот келиб тушган, гуруҳимиз билан ўша жойга чиқиб ўргандик. Натижадан кўнглимиз тоғдек кўтарилди. Қувонмай бўладими? Ахир шаҳримиз табиати

ниҳоятда ранг-баранг бўлиб, уларда мазмун жихатидан бир-бирини асло тақрорламайдиган манзаралар акс эттирилган. Одам ва жайвонлар, қурол-аслаҳа ва геомет-

САРМИШСОЙ ДАРАСИ

Кувонарлиси, Сармишсой маданий мероси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти олимлари томонидан ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб бугунга қадар хар томонлама пухта ўрганилди. Бунинг натижасида яратилган кўплаб илмий асарлар юртимиз тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

2004 йилда мазкур дарага очик осмон остидаги музей мақоми берилган эди. Гап шундаки, у "Сармишсой" та-

рих шаклл тасвирлари шулар жумласидандир. Манзараларнинг аксарияти маззу жихатидан узвий боғланиб, яхлит маъно мазмун кашф этади. Аҳамиятисини, бу суратларга боқиб, аждодларимизнинг дунёқарашлари, уларнинг яшаш

тарзи ҳақида мауайян тасаввурга эга бўласиз. Қоялардаги петроглифлар неолит даврининг охири жез, темир ва ўрта асрларда ишланган бўлса-да, ҳануз охири тўқилмагани диққатга сазовордир.

Дарада тош даври макон ва манзилгоҳлари, қадимги мазорлар ва суғориш тармоқларининг қолдиқлари, кўҳна қишлоқ харобалари сақланиб қолган бўлиб, улар гоётда қимматбаҳо тарихий манба ҳисобланади.

Сармишсойнинг ўсимлик дунёси ҳам ранг-баранг. Дарада 650 турдаги ўсимлик мавжуд бўлиб, 27 таси фақат воҳа табиатига хосдир. Улар ҳақида табиат бағридаги музейда бўлган киши етарли маълумотга эга бўлади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Онажоним — Табиат

Хайрат қилган митти жонивор ростдан ҳам олмахонми? Шундай бўлса, у қаердан келиб қолди? Еки махсус кўпайтирилдими?

Хайрат

Сармишсой дараси — бамисоли ўтмиш билан бугун туташган кўприк. Бу ерда олис тарихдан сўзловчи археологик-маданий мерос ёдгорликлари, хусусан, 7 минг йиллик тарихга эга 10 мингдан ортиқ ноёб қўятош суратлари ва ранг-баранг табиат бойликлари сақланиб қолган. Шу босм дунё олимлари юртимизнинг ушбу гўшаси томон талпиндилар.

САРМИШСОЙ ДАРАСИ

Кувонарлиси, Сармишсой маданий мероси Ўзбекистон Фанлар академиясининг Археология институти олимлари томонидан ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб бугунга қадар хар томонлама пухта ўрганилди. Бунинг натижасида яратилган кўплаб илмий асарлар юртимиз тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

2004 йилда мазкур дарага очик осмон остидаги музей мақоми берилган эди. Гап шундаки, у "Сармишсой" та-

рих шаклл тасвирлари шулар жумласидандир. Манзараларнинг аксарияти маззу жихатидан узвий боғланиб, яхлит маъно мазмун кашф этади. Аҳамиятисини, бу суратларга боқиб, аждодларимизнинг дунёқарашлари, уларнинг яшаш

тарзи ҳақида мауайян тасаввурга эга бўласиз. Қоялардаги петроглифлар неолит даврининг охири жез, темир ва ўрта асрларда ишланган бўлса-да, ҳануз охири тўқилмагани диққатга сазовордир.

Дарада тош даври макон ва манзилгоҳлари, қадимги мазорлар ва суғориш тармоқларининг қолдиқлари, кўҳна қишлоқ харобалари сақланиб қолган бўлиб, улар гоётда қимматбаҳо тарихий манба ҳисобланади.

Сармишсойнинг ўсимлик дунёси ҳам ранг-баранг. Дарада 650 турдаги ўсимлик мавжуд бўлиб, 27 таси фақат воҳа табиатига хосдир. Улар ҳақида табиат бағридаги музейда бўлган киши етарли маълумотга эга бўлади.

Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиirlар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 903. 32373 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоеси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлемлар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реқлама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.